



## Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

### ШАРТНОМА № 8885

Тошкент ш.

2022 йил 02 03

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “Ягона Буюртмачи Хизмати” ИК номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Лойихаловчи” деб юритиладиган «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК номидан Устав асосида иш кўрувчи Бош директор Б.Х.Элмуратов., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади (Танлов комиссиясининг 2022 йил 26-февралдаги 32813-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани) кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйдагилар тўғрисида туздилар:

#### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага асосан, “Лойихаловчи” “Буюртмачи” нинг топшириғига кўра «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Яхё Ғуломов кўчаси, 39А – уй манзилида жойлашган маъмурий объектнинг 2-блокдаги бинони реконструкция қилиш ва 3 қаватни қуриш» объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

“Буюртмачи” эса “Лойихаловчи”га лойиҳалаш топширигини ва дастлабки керакли маълумотларни тақдим этиш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. “Лойихаловчи” ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос “Буюртмачи” томонидан Лойихаловчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштириш топшириғи, ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топширик мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. “Лойихаловчи” ишларни “Буюртмачи” томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. “Лойихаловчи” лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва кидирув ишлари ҳужжатларини - смета ҳужжатларини “Буюртмачи”га тақдим этиши керак.

#### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан 115 000 000 (бир юз ўн беш миллион) сўмни ташкил этади, шу жумладан 15% - ҚҚС – 15 000 000 сўмни ташкил этади.



2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорига аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзили рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин, ўрнатилган тартибда тўланади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1 “Лойиҳаловчи” қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини “Буюртмачи” билан келишиб олиши шунингдек буюртмачи билан бирга тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Лойиҳаловчи лойиҳа ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа бошланғич маълумотлардаги талабларга риоя қилиш, буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқиш;

3.1.4. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш

3.1.5. Ишларнинг натижаларини “Буюртмачи” га 3 (уч) нусxada ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.6. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.7. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.1.8. “Лойиҳаловчи” лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, “Лойиҳаловчи” Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши зарур.

#### 3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Лойиҳаловчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда “Лойиҳаловчи” билан бирга қатнашиш;

3.2.3. Лойиҳаловчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Лойиҳаловчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.4. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойиҳаловчини жалб қилиш.



3.2.5. “Лойихаловчи” дан олинган лойиха-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета ҳужжатларини “Лойихаловчи” нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.6. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга “Лойихаловчи” ни жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Лойихаловчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Лойихаловчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Лойихаловчи лойиха-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Лойихаловчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча кидирув ишларини бажариши шарт.

#### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи “Буюртмачи”га ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Лойихаловчи” га қайтариши шарт.

Лойиха-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида “Лойихаловчи” ни огоҳлатилади.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.



4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар муваққатлик экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ҳулоса учун мувожаат қилиши мумкин.

4.5. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда оғоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида “Лойиҳаловчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “Лойиҳаловчи” лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда “Лойиҳаловчи” Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун “Лойиҳаловчи” га тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдоридан, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. “Лойиҳаловчи” ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдоридан, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.



## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

### 8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- “Лойиҳаловчи” нинг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;  
- “Лойиҳаловчи” нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

### 8.4. “Лойиҳаловчи” қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- “Лойиҳаловчи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;  
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.



## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва «Лойихаловчи» нинг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Лойихалаш топшириғи

2-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

3-илова - Календар иш жадвали;

4-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Лойихаловчи»	«Буюртмачи»
«Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК	Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона Буюртмачи Хизмати» ИК
100011 Тошкент ш., А. Навоий кўчаси, 18	Тошкент ш., И. Каримов кўч., 16а уй
тел. 241-44-64, факс: 241-25-73	тел. 71-227-46-59, факс. 239-40-27
х/р 2021 0000 4001 5233 5001	
ХАТБ «Инфинбанк» Амалиёт бошқармаси	400121860262777039805010001
МФО 01 041	
СТИР 200 935 761	
ОКЕД 64190	
Б.Х. Элмуратов	Р.У. Кучкаров



Бош юрисконсулт

З.А. Гулямова

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*



5

Тошкент шаҳар

02.03.2022й.

**“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган маъмурий объектининг 2-блокидаги мавжуд 2 қаватли бинонинг устки қисмига учинчи қават қуриш”**

**объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси**

**йиғилишининг**

**БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сағдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

### **КУН ТАРТИБИ**

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган маъмурий объектининг 2-блокидаги мавжуд 2 қаватли бинонинг устки қисмига учинчи қават қуриш” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 15 феврал куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 32813 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “O’ZSHAHARSOZLIK LITI” ДУК ғолиб бўлганини инобатга олиб:


## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 26 февралдаги электрон баённомасига асосан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган маъмурий объектнинг 2-блокидаги мавжуд 2 қаватли бинонинг устки қисмига учинчи қават қуриш” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “O’ZSHAHARSOZLIK LITI” ДУК билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


**Комиссия аъзолари.**

  
С. Сағдиев

  
Ш. Қодиров

  
О. Хамидов

  
П. Абдусатторов

  
А. Абдунабиев



**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси  
 ҳуқуқдаш Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
 департаментининг бошқарувидаги биринчи ўринбасари

У.С.Мухамедов  
 2022 йил



**"Келишилди"**  
 Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт  
 ва камбағалликни қисқарттириш  
 бош бoshқармаси

Ш.С.Шукуров  
 2022 й.




Тошкент шаҳар "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг  
 2021 йил 13 декабрдаги 540-14-0-Q21 сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳуқуқдаш  
 Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан  
 объектнинг реконструкция қилиш ишлари буйича  
 2022 йилги МАНВИЛЛИ РЎЙХАТИ

18.04.2022.

№	Объектлар номи ва манзили	Қуриш ш ва фойдала кувағи	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида)	01.01.22 й. ҳолатига объект қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати	2022 йил учун капитал қўйималар лимити						2022 йилда фойдаланишга топшириладиган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати	Эксперта ҳулосаси бўйича расми ва санаси	Қурилиш пулдаг ташқиёт номи	
							Жами капитал қўйималар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жалоз	Буюртмачи бошқа харажатлари	Жами харажатлари	Қувағ/муддат	Асосий фонд суммаси	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати				Тендер (таъло)лар натижасига бўйича расми ва санаси
1	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Я.Гуловон кўчаси, 39-ўй манзилда жойлашган маъмурий объектнинг 2-блокдаги маъжуд 2 қаватли бинонинг устки қисмига ўтувчи қават қуриш	2022й	0,000	0,000	0,000	0,000	195,000	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
Жами енгилма қўйималар, жумладан			0,000	0,000	0,000	0,000	195,000					объект						
							195,000					объект						


Ўзбекистон Республикаси  
 "Ягона буюртмачи хизмати" ИК  
 раёсати ва.б



Р.Кучкаров  
 2022 й.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
 Департамент бўлими бошлиғи

Р.К.Сафаров  
 2022 й.



Л.Н.Исмаилов  
 2022 й.

Handwritten signature

Handwritten signature